

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Тошкент давлат иқтисодиёт
университети**

Илмий ишлар ва инновациялар

бўйича проректори

Ғ. Абдурахманова



Ғ. Абдурахманова

2021 йил

08.00.02 – “Макроиқтисодиёт”

ихтисослиги бўйича таянч докторантурага кириш имтиҳони

ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ – 2021

КИРИШ

Мустақилликнинг дастлабки йилларида юзага келган мураккаб муаммоларнинг муваффақият билан ҳал этилиши, макроиқтисодий мувозанатнинг таъминланиши, дастлаб иқтисодий пасайишнинг бартараф этилиши ва сўнгра иқтисодий ўсишга эришиш давлатимиз иқтисодий сиёсати чуқур ўйланган ва илмий асосланган эканлигидан далолат беради. Бу борада мамлакатимиз Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев: “...макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни жиловлаш, тармоқларни монополиядан чиқариш, давлат томонидан нархлар белгиланишини тартибга солишни бекор қилиш ва «яширин иқтисодиёт»га барҳам бериш. Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назорат янада кучайтирилади”¹, - деб таъкидлаган.

Шу билан бирга, бугунги ижтимоий-иқтисодий вазиятда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ялпи ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини, ресурсларнинг тўлиқ бандлигини, инфляциянинг паст суръатларини ва тўлов баланснинг мувозанатини таъминлаш нуқтаи назаридан мамлакат иқтисодиётини бир бутун ҳолда тадқиқ қилиш ва уни макроиқтисодий тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини ўрганиш “Макроиқтисодиёт” фанининг предметини ташкил этади. Бу таърифдан кўриниб турибдики, “Макроиқтисодиёт” фани миллий иқтисодиётнинг ривожланиши билан боғлиқ барча жиҳатларни, жумладан, инсон капитали, товарлар, пул бозорларининг амал қилиши, монетар, фискал ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш ҳамда бошқа масалаларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, мамлакат молиявий барқарорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, давлат хусусий шериклик механизми қамров даражасини ошириш, экспортга йўналтирилган фаол иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва мамлакат фискал сиёсатининг аниқ меъёрларини ишлаб чиқиш, маҳаллий бюджетнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодиётнинг реал секторини рағбатлантиришга йўналтирилган фискал сиёсат коидалари ва бюджет харажатлари самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш масалалари ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ушбу вазифаларни амалга оширишда макроиқтисодий институтларни мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали механизмини жорий этиш, давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ошириш, экология ва ресурсларни тежаш сиёсатини олиб бориш каби институционал ислохотларни амалга ошириш орқали эришиш назарда тутилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020